*Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

# ЙЎЛЛАНМА КОРХОНА ҲИСОБИДАН

***Жамоа шартномалари касаба уюшмалари ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири, иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи қонуний ҳужжат ҳисобланади.***

Шу боис ҳиссадорлик жамиятимизда бу борадаги ишни пишиқ ва пухта йўлга қўйганмиз. Хусусан, «Касаба уюшма бурчаги»да бошқа ҳужжатлар қатори жамоа шартномаси ҳам мавжуд. Ўн иккита бўлим, 82 банддан иборат бу муҳим ҳужжатда ходимларнинг имтиёз ва кафолатлари мужассам.

Бошланғич ташкилот ўз атрофига 519 аъзони бирлаштирган. Шаҳар тармоғидаги 6 та АТС, телеграф, шаҳарлараро телефон станцияси, техник фойдаланиш бўлими, радиоэшиттириш боғланмаси касаба уюшма хизматига олинган.

Вилоятнинг ахборот-коммуникация технологиялар корхоналари тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат тасарруффидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, почта ва коммуникация тизимини ривожлантириш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизмат кўламини барқарорлаштириш ва турини кўпайтириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди.

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, бандлик кафолатлари, маданий-оммавий, соғломлаштириш, спорт ишлари ва дам олишни яхшилашга эътибор кучайтирилган.

Жамоа шартномасида кўрсатилганидек, ходимларга 6 миллион 391 минг сўмлик озиқ-овқат, сут ва сут маҳсулотлари, 900 минг сўмлик кийим-кечаклар берилди. Иш жойларининг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилашга 1 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Ишни юқори сифатли уддалаган ходимларга кўп йиллик хизматлари учун ойлик маошга қўшимча 40 фоизгача, навбатдаги меҳнат таътилига чиққанларга бир ойлик маоши миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Ўтган йили 3 нафар ходимнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси уларга ўн ойлиқ миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. Агар ходим касалхонада бир ойдан ортиқ даволанса, 4 баравар ойлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади ва дори-дармон корхона ҳисобидан қопланади.

Ўтган йили 11 нафар ишчи Андижон тиббиёт институтининг клиникасида даволаниб, соғлиғини тиклади. Маҳмуд Жўраев, Собиржон Қўчқоров, София Расулова, Муниса Отахонавалар соғлиқларини тиклашда яқиндан кўмаклашганликлари учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитасидан миннатдор. Алоқа соҳасида нафақага ва айни пайтда ишлаётган пенсионерлар телефон ва радио нуқталаридан текин фойдаланадилар, битта рўзномага бепул обуна бўладилар. 55 ёш ва ундан ошган аёллардан ўн нафарига, олтмиш ёшдан ўтган эркакларнинг 19 нафарига 2 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. 4 нафар нафақахўрга марказий сиҳатгоҳларга берилган йўлланма қиймати идора ҳисобидан қопланди.

Яхши шароит меҳнат унумдорлигини таъминлаяпти. Пуллик хизмат ҳажми икки баравarга кўпайди, соҳадан олинган даромад ўсди. Қишлоқ жойларидаги 8 та АТСга янги қурилмалар ўрнатилди. Бандлик дастурига мувофиқ 415 та янги иш ўрни яратилди. Алоқа линияларининг бетўхтов ва нуқсонсиз ишлаши қатъий назоратга олинган.

Ходимларнинг касб-маҳорати ва малакаси ошириб борилаяпти. 22-АТС муҳандиси Бахтиёр Маниёзов Япония давлатида бўлиб, илғор технологиялар билан танишиб қайтди. Назиржон Ҳасанов, Света Шобилова, Зафар Дадабоев, Шуҳрат Ҳошимов, Ҳанифахон Сатторова сингари касаба уюшма фаоллари меҳнатда ўрнак кўрсатишаяпти.

Корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг бажарилиши, ходимларнинг ташаббуси ва ижодиёти доимий қўллаб-қувватланмоқда. Касаба уюшмаси ҳузурида тузилган жамоатчилик комиссияси иш ҳақининг тўланиши, қўшимча тўловлар берилишининг тўғрилиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб турибди.

**Абдирайим АБДИНАБИЕВ,**
**«Андижонтелеком» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.**





Қадимий Самарқандда баҳор нафаси уфурмоқда. Демак, Наврўз яқин.

Қадим замонлардан буён ота-боболаримиз ушбу байрамни ўзгача тараддуд ва ўзгача кайфият билан қарши олишган. Шу боисдан Самарқандда Наврўз байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоятдаги барча туман, қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Хусусан, Самарқанд туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзолари ушбу байрамни катта меҳнат ютуқлари билан кутиб олишмоқда. Хўжалик чорвачиликда ҳам бирмунча ютуқларга эришмоқда.

***Суратларда: хўжалик ветеринария ходимлари Шерзод Ҳабибов ва Соли Жалилов; сут соғувчи Шаҳодат Намозова.***

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

## ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИ

**ишчиларга арзон нархларда сотилди**

«Ҳонқадонмаҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти республикамизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирда бу ерда 400 нафарга яқин ишчи-хизматчилар эл-юрт маъмурчилиги йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Ўтган 2002 йил жамоа учун муваффақиятли бўлди. 53 минг тоннадан ортиқ олий ва биринчи навли ун ишлаб чиқарилди. Макарон ва омухта ем ишлаб чиқариш режалари ҳам ортиғи билан уддаланди. Рентабеллик 6,7 фоизни ташкил этди. Жамоа тассаруфидаги Янгиариқ туман марказида жойлашган новвойхонада 145 тонна нон ва булочка маҳсулотлари тайёрланиб аҳолига сотилди.

Инсон омилига эътибор ютуқлар гарови бўлаяпти. Масалан, ўтган йили 9 миллион 648 минг сўм ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун сарфланди. Ҳар ойда 110 минг сўм шаҳардаги «Наврўз» болалар боғчасига ажратилмоқда. Шунингдек, корхона Беруний номли ўрта мактабни ўз ҳомийлигига олган. Айниқса, ёрдамчи хўжаликлардан унумли фойдаланилмоқда. 40 сотихлик иссиқхонада етиштирилаётган лимон, бодринг ва кўкатлардан юқори ҳосил олиб келинмоқда. Бундан ташқари, ўтган йили 5 тонна 200 килограмм олма ва 1 тоннадан ортиқ узум йиғиштириб олиниб, ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилди.

**Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.**

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ромитан тумани бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими туман прокуратураси билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринлари ярмаркасини ўтказди.

Ярмаркада 57 та ташкилот ва корхона қатнашиб, 122 та бўш ўринларни таклиф этишди. Ярмарка якунига кўра, ишга талабгорлардан кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

"Ромсиб" қўшма корхонаси, "Халқобод" ширкат хўжалиги машина-трактор парки кўпгина ёшларни ишга қабул қилди. Анчагина ёшларга эса малака ошириш учун бепул курсларга йўлланма берилди.

**«Туркистон-пресс»**

# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСГА КРЕДИТ

Ўтган йили "Асакабанк" томонидан 169 та инвестиция лойиҳаси кўриб чиқилди. Улардан 57 таси - 17,8 миллиард сўми миллий валютадаги лойиҳалар ҳисобланади.

"Асакабанк" бошқарув раисининг ўринбосари Хайрулла Йўлдошевнинг айтишича, 23 та лойиҳа бўйича ижобий хулоса берилиб, 3,4 миллиард сўм кредит ажратилди. 33 та лойиҳага кредит бериш рад этилди ва битта лойиҳа (кредит миқдори 0,4 миллиард сўм) ўрганиб чиқилмоқда.

"Асакабанк" шунингдек хорижий валютада ҳам 112 та лойиҳага жами қиймати 562,9 миллион доллар ва 39,8 миллион евро миқдорида кредит ажратди.

— Кўришга топширилган лойиҳаларнинг 85 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектларидан тушган, - деди Х. Йўлдошев. — Экспертлар маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳаларга асосий эътиборни қаратмоқда. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик, қишлоқда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга ҳам етакчи ўрин берилмоқда.

Ҳ. Йўлдошевнинг қайд этишича, "Асакабанк" кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришда кўпгина молиявий ташкилотлар билан қизғин ҳамкорлик қилаётир. Айни пайтда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида ЕТТБ, Халқаро молиявий корпорация (ХМК), шунингдек Осиё тараққиёт банки (ОТБ), билан 55 миллион доллар миқдоридаги кредит йўналишлари муваффақиятли равишда ўзлаштирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги 27та лойиҳа молиялаштирилди.

Шу кунларда ЕТТБнинг 15 миллион доллар, ХМКнинг 5 миллион доллар ва ОТБнинг 7,5 миллион доллар миқдоридаги кредитларини жалб этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, банкда Испания, Германия ва Италия банкларининг кредит йўналишлари фаолият кўрсатмоқдаки, улар ҳисобига 52,6 миллион евро миқдорида кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

**"Туркистон-пресс"**

## ЛИХТЕНШТЕЙН МАКАРОНИ

Самарқанд озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларида шундай гапни тез-тез эшитиш мумкин. Дарҳақиқат, «Самарқанд-ЛТ» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида тайёрланган маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Қўшма корхона иш бошлаганига уч йил бўляпти. Биргина ўтган йили корхонада 4 минг 700 тонна макарон, эллик тоннадан ортиқ қандолат ҳамда ўн уч тонна нон маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Юқори сифат ва замонавий технология асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулотларга Тошкент, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда ҳам талаб катта. Ўтган йили Тожикистон ва Қозоғистонга ҳам юз тоннага яқин маҳсулот экспорт қилинди. Айни пайтда улар яна юз тонна маҳсулотга буюртма берган.

- Дўконларда сотилаётган хориж макаронлари ҳам айнан биздагидек технология асосида ишлаб чиқарилган. Фарқ уларнинг қимматлигида,- дейди корхона раҳбари Фаридун Ҳамроқулов. - Маҳсулотимизга эҳтиёж тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидамиз. Яқин кунларда Германиядан янги қадоқлаш линияси олиб келамиз.

**(ЎзА).**



Ўз касбига сидқидилдан берилган кишиларнинг номини халқимиз фидойи дея ҳурмат билан тилга олади. Олий Мажлис депутати, Шаҳрисабз туман шифохонасининг бош шифокори Потима Бадалбоева ана шундай инсонлардан. У мана бир неча йилдирки аҳолига сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

***Суратда: моҳир шифокор Потима Бадалбоева.***

**Ш.СУЛТОН олган сурат.**

## ЮЛДУЗИ ИССИҚ ЮЛДУЗ ОПА

Дўстлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Юлдуз Холматова Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилоят бўлимига бир миллион сўм маблағ ўтказди.

Юлдуз опа Холматовани Жиззахда кўпчилик уста деҳқон, тадбиркор аёл сифатида яхши билади.

Ўтган йили хўжалик бир юз эллик гектар ерда деҳқончилик қилди. Пахтадан 16 миллион сўм, ғалладан беш миллион сўм соф фойда олди.

Фермер хўжалигида ўн саккиз киши меҳнат қилади. Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам ошиб бормоқда.

Юлдуз опа қишлоқдаги кўп болали оилаларга ҳам ёрдам қўлини чўзмоқда. Ўн саккиз оилага ўн тўрт тонна дон тарқатди.

- Ўзимиз яшаётган Хўжам Исроилов номидаги фермер хўжаликлари уюшмаси марказини янада обод қилишга ҳаракат қиляпмиз,- дейди Юлдуз Холматова. - Қишлоқда болалар спорт майдончасини қуриш ишлари ҳам бошланди.

*2003 йил — Обод маҳалла йили*

# «ҲУМОЮН»ДА ҲАР ҲАФТА ШАНБАЛИК

***Халқимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни катта. Инсоннинг қувончу ташвишлари, яхши-ёмон кунларида маҳалла аҳли доимо ҳамнафас бўлади. Шу боис Президентимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ маҳалла ижтимоий институтини янги босқичга кўтариш, уни демократик жамият қуришнинг асосий негизларидан бири сифатида ривожлантириш зарурлигини таъкидлаганлар.***

«Ҳумоюн» маҳалласи М. Улуғбек туманидагина эмас, пойтахтимиздаги энг намунали, обод гўшалардан биридир. Ҳозирги кунда бу ерда 5612 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида иш ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди фуқаролар йиғини раиси З. Эрматов. — Унга асосан маҳаллада ободонлаштириш ишларини олиб бормоқдамиз. Жумладан, маҳалланинг кўрки бўлган хиёбонни кўкаламзорлаштириш учун 500 туп турли хил гул ва дарахт кўчатлари келтирдик. Ҳомийлар ёрдамида 500 килограмм оҳак олиб келиниб, ҳудуддаги барча дарахтлар, деворлар оқланди, ариқлар тозаланди. Хуллас, чор-атроф озодалиги таъминланди.

Дарҳақиқат, бу ерда ҳар ҳафтада шанбалик ташкил қилиниб, унга барча маҳалла аҳли жалб этилмоқда. Аҳилликда ўтказилаётган ҳашар туфайли хиёбон чиройли тусга кириб, ажойиб дам олиш масканига айланди. Шунингдек, иккита фаввора бунёд этилиб, хиёбон атрофига 30 га яқин ўриндиқ ўрнатилди, музқаймоқ, салқин ичимликлар сотиладиган шохобчалар ишга тушди.

Шу боис ўтган йил шаҳардаги 444 та маҳалла ичида экология ва атроф муҳитни соғломлаштириш бўйича ўтказилган танловда ғолиблик қўлга киритилди.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Ҳудуддаги анчадан бери фойдаланилмай, бўш ётган иморатни таъмирлаб, болалар соғломлаштириш марказига айлантириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. 279-мактабнинг 2 та спорт залида теннис, енгил атлетика, қўл жанги, баскетбол, каратэ каби спорт турлари бўйича 100 нафарга яқин болалар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида машғулотларда қатнашмоқда. Шунингдек, бу ерда «Шодлик» болалар клуби ҳам фаолият кўрсатяпти. Клубнинг шейпинг, рассомчилик, бичиш-тикиш, дурадгорлик, рақс тўгаракларида 68 нафар ёш ўғил-қиз касб-ҳунар сирларини эгаллашаётир. Жорий йилда болалар учун яратиладиган қулайликлардан бири шуки, ҳудуддаги ташландиқ жой текисланиб, спорт майдончаси барпо этилади.

Азалдан маҳалла меҳр-оқибат маскани ҳисобланган. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 317 нафар қарияга озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Бундан ташқари, яқинда ана шундай оилаларнинг 67 нафар фарзандига саховатпеша кишилар мадади билан кийим-кечаклар олиб берилди.

Маҳаллада тарбиявий ишлар намунали йўлга қўйилган. Профилактика инспектори Х.Абулов маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида вояга етмаганлар ўртасида ўтган йил давомида ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Бу ерда тарбияси оғир болалар билан жиддий шуғулланилади. Бу борада давра суҳбатлари уюштирилиб, унда ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишяпти. Хусусан, бундай болалар шаҳардаги 130-касб-ҳунар мактабига йўлланмоқда.

Маҳалла паспортига кўз югуртирганимизда, нотинч оилалар, деган ёзувга кўзимиз тушди.

– Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, бундай оилалар афсуски, оз бўлса-да, бизда ҳам бор, - дея суҳбатни давом эттирди раис. – Улар билан фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик асосида ишлашни йўлга қўйганмиз.

Идорада рўйхат китоби мавжуд бўлиб, бу ерда яшовчиларнинг аниқ манзили битилган. Бунинг қулайлиги шундаки, четдан келган кишига сўраган манзили ортиқча оворагарчиликсиз дарров топиб берилади.

Ҳудудда аҳоли учун зарур қулайликлар мавжуд. Жумладан, кўплаб савдо дўконлари, бозорча, сартарошхона, новвойхона, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Ўтказилаётган тўй-маросимларда маҳалла фаоллари бош-қош бўлишиб, ортиқча чиқимларга йўл қўйилмаяпти. Маҳалла аҳлига қулай яшаш шароитларини яратиб беришда «Ҳумоюн-Замондош» ширкати аъзолари жонбозлик кўрсатишаётир. Ўтган қиш мавсумида 1800 метр квадрат жойда таъмирлаш ишлари бажарилди. Кўп қаватли уйларнинг ертўлалари қуруқ ва озода сақланмоқда.

«Ҳумоюн»да олиб борилаётган ишлар чиндан-да мақтовга лойиқ. Ана шу фидойилик эвазига маҳаллага ҳукуматимиз томонидан 2 та компьютер совға қилинди.

**Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.**

*Масала кўндаланг қўйилади*

# ТОВОН ПУЛИ НЕГА БЕРИЛМАДИ?

***Ўтган йилнинг 20 март куни Хоразм вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси М.Юсупов қабулига ёши элликларга бориб қолган бир оёғи протезда бўлган киши кириб келди. У Қўшкўпир туманидаги «Незахос» жамоа хўжалиги 17-бригадаси ҳудудида яшовчи Байрамали Қурбонгалдиев эди. Ногирон 1982 йилда «Вилоят жамоа қурилиш» трестига қарашли 2-сон Қўшкўпир хўжаликлараро ғишт заводида ишлаб юрганида тупроқ аралашмасини майдалайдиган ускуна ўнг оёғининг бир қисмини юлиб кетади.***

Масъул ходимларнинг эътиборсизлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги туфайли Байрамали умрбод ногирон бўлиб қолди. Унга 1990 йилгача товон пуллари тўлаб келинди. Лекин ўша йили ғишт заводи Урганч қурилиш конструкциялари комбинатига қўшиб юборилди. Кўп ўтмай комбинат ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ғишт заводи эса хусусийлаштирилди.

Натижада Байрамали Қурбонгалдиев товон пулини сўраб ҳар иккала раҳбар олдига кўп марта борди. Унга на хусусий ғишт заводи раҳбари Султон Сапаев, на ҳиссадорлик жамияти раиси Жуманазар Бобожонов жўяли жавоб берди. Икки ўртада сарсон бўлган ногирон охири ишчилар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси — касаба уюшмаларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Иш судгача бориб етди. Ўтган йилнинг 23 сентябр куни Урганч туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди И.Раҳмонова раислигида ушбу ишни кўриб чиқди. Суд фуқаро Байрамали Қурбонгалдиевга Урганч қурилиш материаллари ҳиссадорлик жамиятидан 400 минг сўм, етказилган маънавий зарар учун 50 минг сўм ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Бундан ташқари, корхона Қурбонгалдиевни муттасил равишда ўз вақтида товон пули билан таъминлаб турадиган бўлди. Лекин ҳиссадорлик жамияти раиси Жуманазар Бобожонов суд қарорини бажаришдан бош тортди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ишни суд ишларини ижро қилиш бўлимига йўллади. Бироқ у ердан ҳатто жавоб хати ҳам келмади. Яқинда кенгаш бу хат бўйича вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Ўйлаймизки, прокуратура ходимлари бу масалага узил-кесил нуқта қўяди.

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

